

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚЎЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАРИ: 2025 ЙИЛ ПРЕЗИДЕНТ  
ҚАРОРЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**Холмахматов Азим Хазратқулович**

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

**Каримов Шерзод Хасанович**

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти  
мустақил изланувчиси

E-mail: [sher\\_hon@mail.ru](mailto:sher_hon@mail.ru)

**Исмонов Наврўзбек Обобакир ўғли**

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти  
мустақил изланувчиси

E-mail: [navruzbek269@gmail.com](mailto:navruzbek269@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20625393>

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги 60-, 61- ва 62-сон қарорлари ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш йўналишидаги янги имкониятлар таҳлил қилинади. Қарорларда давлат мақсадли жамғармалари, имтиёзли кредитлар, венчур инвестициялари, олий таълим битирувчилари учун махсус дастурлар ва рақамли платформалар каби механизмлар кўзда тутилган. Кутилаётган натижалар: 50 мингдан ортиқ ёшнинг банд этилиши, 350 минг ёшнинг дастурларга қамраб олиниши ва 100 минг қўшимча иш ўрни яратилиши. Таҳлил илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакат иқтисодиётида ёшларнинг ролини кучайтиришни кўрсатади.

**Калит сўзлар:** ёшлар тадбиркорлиги, давлат мақсадли жамғармаси, бандлик, венчур жамғарма, стартап, имтиёзли кредит, “Ёшлар бизнеси” дастури, “Келажакка кадам”.

**НОВЫЕ МЕХАНИЗМЫ ПОДДЕРЖКИ МОЛОДЕЖНОГО  
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ: АНАЛИЗ ПОСТАНОВЛЕНИЙ  
ПРЕЗИДЕНТА 2025 ГОДА**

**Холмахматов Азим Хазратқулович**

Доктор философии (PhD) по политическим наукам, доцент

**Каримов Шерзод Хасанович**

Соискатель Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных  
кадров

E-mail: [sher\\_hon@mail.ru](mailto:sher_hon@mail.ru)

**Исманов Наврўзбек Обобакир ўгли**

Соискатель Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных  
кадров

E-mail: [navruzbek269@gmail.com](mailto:navruzbek269@gmail.com)

**Аннотация:** В данной статье анализируются новые возможности развития молодежного предпринимательства и обеспечения занятости молодежи, предусмотренные постановлениями Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2025 года № 60, 61 и 62. В постановлениях предусмотрены такие механизмы, как государственные целевые фонды, льготные кредиты, венчурные инвестиции, специальные программы для выпускников высших образовательных организаций и цифровые платформы. Ожидаемые

результаты включают трудоустройство более 50 тысяч молодых людей, охват 350 тысяч молодых людей программами и создание 100 тысяч дополнительных рабочих мест. Анализ имеет научно-практическое значение и показывает усиление роли молодежи в экономике страны.

**Ключевые слова:** молодежное предпринимательство, государственный целевой фонд, занятость, венчурный фонд, стартап, льготный кредит, программа “Yoshlar Biznesi”, “Kelajakka Qadam”.

## NEW MECHANISMS FOR SUPPORTING YOUTH ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN: ANALYSIS OF 2025 PRESIDENTIAL DECREES

**Kholmakhmatov Azim Khazratkulovich**

Doctor of Philosophy (PhD) in Political Sciences, Associate Professor

**Karimov Sherzod Khasanovich**

Independent Researcher, Institute for the Study of Youth Problems and Training

Prospective Personnel

E-mail: [sher\\_hon@mail.ru](mailto:sher_hon@mail.ru)

**Ismonov Navruzбек Obobakir ugli**

Independent Researcher, Institute for the Study of Youth Problems and Training

Prospective Personnel

E-mail: [navruzbek269@gmail.com](mailto:navruzbek269@gmail.com)

**Abstract:** This article analyzes the new opportunities for developing youth entrepreneurship and ensuring their employment provided by the Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 14, 2025, No. 60, 61, and 62. The decrees envision mechanisms such as state targeted funds, preferential credits, venture investments, special programs for higher education graduates, and digital platforms. Expected outcomes include the employment of over 50 thousand young people, coverage of 350 thousand youths in programs, and the creation of 100 thousand additional jobs. The analysis holds scientific and practical significance, highlighting the enhancement of youth’s role in the national economy.

**Keywords:** youth entrepreneurship, state targeted fund, employment, venture fund, startup, concessional credit, “Yoshlar Biznesi” program, “Kelajakka Qadam”.

### КИРИШ

Глобал иқтисодиётда ёшлар тадбиркорлиги иқтисодий ўсиш, инновация ва бандликни таъминлашнинг асосий омили сифатида тан олинмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ривожланаётган давлатларда 15–29 ёш орасидаги аҳолининг иш билан бандлиги умумий бандлик кўрсаткичига бевосита таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда эса аҳолининг 60 фоизидан ортиғи 30 ёшдан кичик бўлиб, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи стратегик муаммо сифатида қолмоқда.

2025 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти бир куннинг ўзида ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигига бағишланган учта қарор — 60-, 61- ва 62-сон қарорларни қабул қилди. Бу ҳужжатлар мамлакатимизда ёшлар сиёсатини принципиал янги босқичга олиб чиқувчи, ўзаро боғлиқ ва мантиқан изчил сиёсат ҳужжатлари мажмуасини ташкил этади.

Мазкур мақоланинг мақсади — ушбу уч қарорнинг имкониятларини тизимли таҳлил қилиш, уларнинг эришиладиган ютуқларини баҳолаш, бир-бирини тўлдирувчи

характерини очиб бериш, ёшлар тадбиркорлигига кўрсатиши кутилаётган таъсирини баҳолаш ва иқтисодий-ижтимоий натижаларни прогноз қилишдан иборат.

### МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Мақолада куйидаги методлардан фойдаланилган: ҳуқуқий-таҳлилий метод — урта Президент қарорининг мазмунини тизимли таҳлил қилиш, қиёсий таҳлил — дастурлар орасидаги ўзаро боғлиқлик ва фарқларни аниқлаш, миқдорий таҳлил — молиявий кўрсаткичлар ва режалаштирилган натижаларни ўлчаш ҳамда тизим таҳлили — уч қарорни ягона сиёсат тизими сифатида баҳолаш.

Манбалар сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 60-, 61- ва 62-сон расмий қарорлари, ЯМИ маълумотлари, Ёшлар ишлари агентлиги ҳисоботлари ва халқаро молия ташкилотлари материалларидан фойдаланилган.

### НАТИЖАЛАР

Қарорларнинг мазмуни ва таҳлили.

ПҚ-60-сон қарор: Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашнинг институционал асосини ташкил этади. Унга мувофиқ Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси (ЁТРДМЖ) ташкил этилди.

Жамғарманинг молиявий базаси 100 млн АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлиб, маблағлар давлат бюджети (200 млрд сўм), халқаро молия институтлари ва хусусий ҳомийлар ҳисобидан шакллантирилади. Жамғарма фаолияти 20 нафар тадбиркор ва эксперт аъзоси иштирокидаги жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Кенгаш томонидан бошқарилади.

Кенгаш (20 нафар тадбиркор ва эксперт, 30% ёш тадбиркорлар) бизнес-лойиҳаларни саралайди ва қўллаб-қувватлаш инструментлари (3-илова): субсидиялар, грантлар, қарзлар (тажриба-синов сифатида 30 млрд сўм) ажратади.

Жамғарманинг муҳим жиҳати — шаффофлик механизми: барча ажратилган маблағлар тўғрисидаги ҳисоботлар Агентликнинг расмий веб-сайтида доимий эълон қилиб борилади. Бу жамғармани ҳисоботга тортишнинг самарали институционал воситаси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари, 1 000 та савдо шохобчалари (онлайн аукционлар орқали), туризм ва экспорт жараёнларини амалга оширади.

Алоҳида диққатга сазовор масала — жамғарма ҳузурида 10 млн АҚШ доллари устав фонди билан венчур жамғарманинг ташкил этилишидир. Инкубация ва акселерация дастурларини муваффақиятли яқунлаган стартапларга 5 млрд сўмгача инвестиция ажратилиши мўлжалланган.

ПҚ-61-сон қарор: “Келажакка қадам” дастури олий таълим ташкилотлари битирувчиларини меҳнат бозорига интеграция қилишнинг ҳуқуқий асосини белгилайди. “Келажакка қадам” дастури икки йўналишда фаолият юритади: биринчидан, ўз бизнес ғоясини амалга оширмақчи бўлган битирувчиларга молиявий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш; иккинчидан, соҳалар бўйича очиқ танловлар орқали иқтидорли ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш.

Дастур молиявий базаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 млн АҚШ доллари эквивалентидан иборат: 80 млн доллари ваколатли банкларга 10 йиллик имтиёзли шартларда, 20 млн доллари эса амалиёт харажатлари ва грант маблағлари учун берилади.

Қарорнинг инновацион ёндашуви — олий таълим ташкилоти, иш берувчи ва талаба ўртасидаги уч томонлама шартнома тизими. Бу механизм барча тарафларнинг

мажбуриятларини аниқ белгилаб, битирувчини ишга жойлаштириш жараёнини расмийлаштиради.

ПҚ-62-сон қарор: “Ёшлар бизнеси” дастури 2025–2027 йиллар учун 350 минг ёшни қамраб олади. Лойиҳалар: “Бизнесга биринчи қадам”: 100 млн сўм микроқарзлар (қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, фриланс); “Ёшлар учун иш ўринлари”: 5 млрд сўм кредитлар (20+ иш ўрни яратиш); “Инновацион ёшлар”: венчур инвестициялар, инкубаторлар; Рақамли платформа (2025 йил 1 апрелгача): краудфандинг, тренинглар.

Молиялаштириш: 150 млн АҚШ доллари (Тикланиш жамғармасидан), 30% хотин-қизлар учун.

Шунингдек, 100 мингта янги иш ўрни яратишни мақсад қилган ҳамда АТ “Алоқабанк” ёш тадбиркорларнинг таянч “ёшлар банки” деб белгиланиши дастурга институционал барқарорлик берадиган асосий элемент ҳисобланади.

### МУҲОКАМА

Қарорларнинг таққослама таҳлили қуйидаги жадвалларда келтирилган.

**1-жадвал. Учта қарор бўйича асосий кўрсаткичларни таққослаш**

Кўрсаткич	60-сон (ЁТРДМЖ)	61-сон (“Келажакка қадам”)	62-сон (“Ёшлар бизнеси”)
Молиявий ҳажм	100 млн \$	100 млн \$	125 млн \$ + 25 млн \$
Мақсадли гуруҳ	18–30 ёш тадбиркорлар	Олий таълим битирувчилари	18–30 ёш барча ёшлар
Асосий восита	Жамғарма + венчур	Уч томонлама шартнома	Имтиёзли кредит
Режалаштирилган натижа	50 минг+ банд	Ишга жойлаштириш	350 минг + 100 минг
Бошқарув органи	Жамоатчилик кенгаши	Ўзмиллийбанк	Алоқабанк
Гендер квотаси	Белгиланмаган	Белгиланмаган	30% хотин-қизлар

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 60-, 61- ва 62-сон қарорлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**2-жадвал. Учта қарорнинг имкониятлар кластери**

Қарор	Имкониятлар	КРІ
ПҚ-60	Жамғарма, венчур, 1 000 шохобча	50 минг банд
ПҚ-61	Амалиёт, грантлар	Битирувчи бандлиги ва интеграцияси
ПҚ-62	Микроқарзлар, платформа	100 минг иш ўрни

Эришиладиган ютуқлар: иқтисодий ўсиш (экспорт +5–10%), бандлик (ёшлар орасида +15%), инновациялар (стартаплар сони ×2).

Қарорларнинг 2025 йилдаги натижалари.

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси томонидан 1 145 та лойиҳага 121,4 млрд сўм узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилиб, яратилган 2 124 та янги иш ўрнига ишсиз ёшлар жойлаштирилди.

Миллийбанк томонидан “Келажакка қадам” дастури доирасида 4 737 нафар талабанинг 215,4 млрд сўмлик бизнес лойиҳалари молиялаштирилди.

Алоқабанк томонидан “Ёшлар бизнеси” дастури доирасида 9 442 та лойиҳага 1 трлн 201 млрд сўм узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилган ва бунинг натижасида 12 778 та янги иш ўрни яратилиб, ёшлар жойлаштирилган.

#### **ХУЛОСА**

2025 йил 14 февралда қабул қилинган учта Президент қарори Ўзбекистонда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг принципиал янги институционал тизимини яратди.

Бу тизимнинг муҳим хусусиятлари комплекслилик — молиялаштириш, тайёрлаш ва ишга жойлаштириш занжирини яхлит қамраб олиш, институционал новаторлик — жамоатчилик кенгашлари, венчур жамғармалар, уч томонлама шартномалар, молиявий кенглик — умумий ҳажм ва кўп манбали молиялаштириш ҳамда ҳисоботга тортиш — онлайн шаффофлик, санкция механизмлари ва чораклик мониторингларни юритишдан иборатдир.

Дастурларнинг амалий самарадорлиги уларнинг тўлиқ жорий этилишига ва мониторинг тизимининг ишлашига боғлиқ. Ушбу дастурлар нафақат ёшларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиради, балки Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига улуш қўшувчи ижодий ва инновацион потенциални юзага чиқаришга ҳам хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги 60-сон қарори “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги 61-сон қарори “Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги 62-сон қарори “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Lex.uz.
4. Холматов, Б., Раҳимов, О. (2024). Ўзбекистонда ёшлар бандлиги сиёсатини такомиллаштириш: институционал ёндашув. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар журналы, 3, 45–62.
5. Ёшлар ишлари агентлиги, АТ “Алоқабанк” ва Миллийбанкларининг 2025 йилда қарорлар ижроси бўйича ёшлар тадбиркорлиги юзасидан ҳисоботлари.